

**Асад САФАР**

# **УМИДЛИ ДУНЁ**

*Шеърлар*

---

## **ЗАНГОРИ ФАСЛ**


*(Миришкор туманидаги Баҳористон педагогика-  
иқтисодиёт касб-хунар коллежи қошидаги "Нихол"  
адабий-бадий тўғараги қатнашчилари ижодидан  
намуналар)*

Қарши  
"Насаф" нашриёти,  
2004

84(54)6-3

Маърифатпарварлик ижод аталмиш муқаддас чашмадан қудрат олсагина у абадийликка ва безаволликка дахлдор бўлмоғи мумкин. Истеъдодли шоир Асад Сафар ва у муаллимлик қилаётган маърифат даргоҳининг талабалари ижодидан жамланган ушбу китоб биз учун ҳамиша долзарб бўлган Ватан ва халқ, инсонийлик ва фарзандлик бурчи, меҳр ва муҳаббат боқийлиги ҳақидаги мавзуларни ўзида жамлаган.

**Мухаррир: Зебо Омонова**



30461  
Dg.

4702620202-247  
C 376 (06) 2004

© А. Сафар ва бошқ. - 2004

ISBN 5-7323-0505

**Асад САФАР**

# УМИДЛИ ДУНЁ

*Шеърлар*



**Асад Сафар 1953 йилда Миришкор туманидаги Помук қишлоғида туғилди. Тошкент Давлат университети, ҳозирги ЎЗМУ нинг журналистика факультетини тамомлади. Чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида матбуот нашрларида фаолият кўрсатди. Айни пайтда тумандаги Баҳористон педагогика-**

**иқтисодиёт касб-хунар коллежи қошидаги „Ниҳол“ адабий-бадий тўғараги раҳбари бўлиб ишламоқда. Ўтган йили „Насаф“ нашриётида „Юрагимда эл дарди“ номли шеърлар тўплами нашр этилган. „Умидли дунё“ - муаллифнинг иккинчи китоби.**

**Ушбу шеъримни қўли қадоқ барча  
ҳамқишлоқларимга бағишлайман.**

**Муаллиф**

## **ПОМУҚ**

### *Қасида*

Киндик қоним томган маконсан, Помуқ,  
Инсондай яшашга имконсан, Помуқ.

Асрорлар яширинган хилқатсан, Помуқ,  
Ҳақни таниганга улфатсан, Помуқ.

Жисмимга жон берган ҳаётсан, Помуқ,  
Дилимга жо бўлган баётсан, Помуқ.

Ҳали ўқилмаган китобсан, Помуқ,  
Бўғзимдаги нидо-хитобсан, Помуқ.

Йироқ кетар бўлсам ҳар чоғсан, Помуқ,  
Кўзларинг йўлимда, муштоқсан, Помуқ.

Ҳофиз тилидаги қўшиқсан, Помуқ,  
Катта-ю кичикка бешиқсан, Помуқ.

Тан олсанг, бир ошиқ ўғлингман, Помуқ,  
Чорласанг гар, бели боғлингман, Помуқ.

Не юмушинг бўлса, мен борман, Помуқ,  
Доимо шайдирман, тайёрман, Помуқ.

Сени таърифлашга тил ожиз, Помуқ,  
Тополмадим муносиброқ сўз, Помуқ.

Сен оддий қишлоқмас, пойтахтсан, Помуқ,  
Мен - шаҳризодаман, тож-тахтсан, Помуқ.

Сен-осмонсан, ерсан, оламсан, Помуқ,  
Отамсан, онамсан, боламсан, Помуқ.

Сенга атаб ёздим қасида, Помуқ,  
Лозим топсанг, жоним бахшида, Помуқ.

Чарчамасман кун-тун мадҳ этсам ҳам,  
Қўлимга, дилимга қувватсан, Помуқ.

Ҳаким, Турди, Суюнни танимайди ким?  
Кўкраги ерга тегмаган полвонсан, Помуқ.

Чикорадир менга мансаб-у бойлик,  
Ўзинг шараф-шонсан, унвонсан, Помук.

Фуссага ботганда шериксан, Помук,  
Остимдаги отим-тўриқсан, Помук.

Ўйку келмас тунлар ҳамроҳсан, Помук,  
Мени улғайтирган даргоҳсан, Помук.

Йўлимни ёритган зиёсан, Помук,  
Элим дилидаги дуосан, Помук.

Қизим кўзидаги ҳайратсан, Помук,  
Ўғлим белидаги ғайратсан, Помук.

Боболардан мерос тупроқсан, Помук,  
Жонимдан ҳам азиз кўпроқ сан, Помук.

Армонларим бисёр қалбим тўрида,  
Ҳали ёзмаганим - дostonсан, Помук.

Асад Сафар куйлар сени умрбод,  
Шоир юрагимга илҳомсан, Помук.

### МАРСИЯ

*Ҳамқишлогим Абдурахмон Абдиевнинг  
порлоқ хотирасига бағишлайман*

Яшади кек, гина нелигин билмай,  
Ҳеч кимни ҳеч вақт норизо қилмай,  
Эвоҳ, олтмиш ёшга ҳам тўлар-тўлмай,  
Зор қақшатиб онаизор, дўст-ёрни,  
Шум ажал обкетди Абдурахмонни.

Муборак шаҳри бугун қолди-ку етим,  
"Абдурахмон қани", - сўрар кўринса ким,  
Аланг, Кўқдумалоқ сукут сақлар - жим,  
Ўзига яқин қилди яхши-ёмонни,  
Оллоҳим суйганди Абдурахмонни.

Дўст деб кўнгил қўйди, хоҳ бўлсин чўпон,  
Хоҳ бўлсин амалдор, шоир ё боғбон,  
Ҳамма ҳам, - дерди, - у менга тенг инсон,  
Меҳмон келса, кенг ёзди дастурхонни,  
Дуо қилгай барча Абдурахмонни.

Муборак, Помукни бир кўзда кўрди,  
Эл маъракасининг бошида турди,  
Улуғларни устоз билди, кўл берди,  
Кун-у тун ишлади аямай жонни,  
Халқим унутмайди Абдурахмонни.

### **АЛЛА АЙТСА АЁЛЛАР**

Фарзандлари ҳур, ёвқур,  
Бешиқларда тинч ётур,  
Саси тонгни уйғотур,  
Алла айтса аёллар.

Моможонлар энтикар,  
Тинглаганга хуш ёқар,  
Кўнглида борин тўкар,  
Алла айтса аёллар!

Қизи ойдек чиройли,  
Уғли қуёшли, ойли,  
Қозонлар гўштли, мойли,  
Алла айтса аёллар!

Қулоқ солади еллар,  
Тўхтаб қолади селлар,  
Жўровоздир булбуллар,  
Алла айтса аёллар.

Бошин эгади шоҳ ҳам,  
Чекинар ғусса, оҳ ҳам,  
Ризо эрур Оллоҳ ҳам,  
Алла айтса аёллар.

### **МАШРАБ НИДОСИ**

Замон менга боқмагани рост,  
Ҳақгўйлигим ёқмагани рост,  
Майга майл қўйган бандалари,  
Сўзларимни уқмагани рост.

Кетаман бош оққан томонга,  
Замонасозликка йўқ менда тоқат.  
Зормасман риёга тўлган замонга,  
Мен кутган замон ҳам келади, албат!

### **НАСРИДДИННИНГ ШЕЪРИ**

Боқасан хумор-хумор,  
Сочларинг мисоли дор.  
Бу дорда осилмасман -  
Жонимдан умидим бор.

Иболи, хаёли қиз,  
Дудоқлари болли қиз.  
Ҳижронингда куйдирма,  
Васлингга тўели қиз!

Хўп яхши укаларинг,  
Бежирим ёқаларинг.  
Уйингга боролмайман -  
Ўлдирар акаларинг!

Келгин ариқ қошига,  
Бахт кўндирай бошингга.  
Ҳеч бўлмаса, париваш  
Кириб тургил тушимга!

### **РАҲМАТ СЕНГА, ШЕЪРИЯТ**

Менга оқ йўл тиладинг,  
Кўлга қалам олган пайт.  
Отам каби қўлладинг,  
Раҳмат сенга, Шеърият!

Айрим нокас, нодонлар,  
Деганда: "Бу йўлдан қайт!"  
Бахш этдинг ширин онлар,  
Раҳмат сенга, Шеърият!

Далда бўлдинг кўнгилга,  
Гоҳо турганда карахт.  
Бошқардинг тўғри йўлга,  
Раҳмат сенга, Шеърият!

Қиламан сенга таъзим,  
То тириқдирман ҳар вақт.  
Сўнги дам айтар сўзим:  
"Раҳмат сенга, Шеърият!"

### **МЕҲР БЕРСАНГ ТОШГА**

Гуллайди, мева тугар,  
Меҳр берсанг тошга ҳам.

Муродинг ҳосил бўлар,  
Интилсанг ҳар ишга ҳам.

Ўзингни тутма баланд,  
Кўлинг етса қуешга ҳам.

Нокасларга эгма қад,  
Неки келса бошга ҳам.

Ғайирлик қилар номард,  
Оғзингдаги ошга ҳам.

Имкон топсанг бер мадад,  
Оғайни, қардошга ҳам.

Суяди кўнгилдан дил,  
Берсанг қаламқошга ҳам.

Ўларсан, бўлма гофил,  
Кирсанг минг ёшга ҳам.

\* \* \*

Умр охири оҳ - войдир,  
Яшасанг ҳам юз етмиш.  
Дуне - қарвонсаройдир,  
Ким келар, кимдир кетмиш.

Кўринг надон ҳолини -  
Йиғолмас аёлини.  
Барча мақтар молини,  
Ким олиб, кимдир сотмиш.

Белафз сўзида турмас,  
Бой кўзи ерни кўрмас,  
Гумроҳни қизиқтирмас,  
На келажак, на ўтмиш.

Куч-қувват кетар тиздан,  
Фойда йўқ ўғил-қиздан,  
Азроил келар тездан,  
Бош қаро қумга ботмиш.

Дўстлар кетди узилиб,  
Нафс дарёсида сузиб.  
Асад кўнгли бузилиб,  
Ушбу ғазални битмиш.

## БАҲОР

Чўпонлар телпагин отди осмонга,  
Чоллар юз ўгириб қибла томонга,  
Омонлик тилайди яхши-ёмонга,  
Найсон ёмғирлари ёға бошлагач.

Қурт-қумурсқа куйлай бошлади ёниб,  
Юмронқозиқ инидан чиқди қувониб,  
Жонланди қир-адир, кетди уйғониб,  
Найсон ёмғирлари ёға бошлагач.



## КУЛИБ - КУЛИБ

(Ҳазил)

Бир дилрабо ёнгинамдан,  
Ўтиб кетди кулиб-кулиб.  
Танишай деб гап ташладим,  
Булбулгўё бўлиб-бўлиб.

Индамасдан жўнаворди,  
Белин муқом қилиб-қилиб.  
Орқасидан қараб қолдим,  
Кўнглим ғамга тўлиб-тўлиб.

Узоқлашди, кўздан йитди,  
Уйга қайтдим сўлиб-сўлиб.  
Кўрганларим айтибман-а,  
Янгангизга келиб-келиб.

Янгангиз олди сочларим,  
Битта-битта юлиб-юлиб.

\* \* \*

Маломат тоши оғир,  
Ҳам қилади бошингни.  
Гўёки аччиқ чоғир -  
Қисқартирар ёшингни.

Кул бўласан қовжираб,  
Мисли ўт тушган дарахт.  
Такрор гулламоқ абас,  
Қанча айламагил жаҳд.

## БЎЛМАС

Йўқ эрур мутлақ яхши,  
Ва мутлақ ёмон бўлмас.  
Яхшилар - юрак нақши,  
Ранг-рўйи сомон бўлмас.

Қуёнга ўз макони,  
Қушга азиздир ини,  
Ҳар гулнинг бор тикони,  
Бенуқсон чаман бўлмас.

Кимгадир қўшиқ ёқар,  
Ким дардин шеърга тўқар,  
Ким мақтар, кимдир сўқар,  
Ҳаммабоп замон бўлмас.

Умид-ла тутдим қалам,  
Шодликка тўлсин олам,  
Ёзсам, хулласи калом,  
Сўзларим адо бўлмас.

## **ТҮРТ ҲАЪЛИМ, БИТТА ҚИЗИМ**

Самодаги парвозим,  
Сўлим баҳорим, ёзим,  
Куйим, қўшигим, созим,  
Тўрт ҳаълим, битта қизим.

Суратим ҳам сийратим,  
Бўй-у бастим, савлатим,  
Ҳеч тугамас давлатим,  
Тўрт ҳаълим, битта қизим.

Жоним, таним, ҳаётим,  
Энди ўчмайди отим,  
Ёзган энг зўр баётим,  
Тўрт ҳаълим, битта қизим.

Ғамлансам, кайфим чоғлар,  
Ўлсам, дод солиб йиғлар,  
Ҳар куни мудом йўқлар,  
Тўрт ҳаълим, битта қизим.

\* \* \*

Ўтаётир ғанимат дамлар,  
Шаррос ёмғир ёғдирсанг-чи, март!  
Кўнглига қил сиғмас деҳқоннинг,  
Бағринг кенг оч, бўлмагил номард.

Дов-дарахтнинг кўкда нигоҳи,  
Илтижом қабул эт, тезроқ ёға қол.  
Йўқса, ўзингдан кўр, жаласи билан,  
Ху, ана, жилмайиб келмоқда апрель!

## **СИНГИЛЖОН, ОПАЖОН, ОНАЖОНЛАРИМ**

Бизлар хизматдамыз, иззатда сизлар,  
Кумушдек аёллар, Ойбарчин қизлар,  
Сизларга бахшида энг латиф сўзлар,  
Сингилжон, опажон, онажонларим!

Сизни қутлаб шоҳлар келар таъзимга,  
Куй-қўшиқлар жон киритар базмга,  
Шоир мадҳингизни солар назмга,  
Сингилжон, опажон, онажонларим!

Бугун шўх жаранглар ҳофизнинг тори,  
Боқсангиз бас, эрур тоғларнинг қори,  
Кулгингиз мисоли юртим баҳори,  
Сингилжон, опагон, онагонларим!

Сиз бор хонадонда ёгилади нур,  
Аллангиз-ла дилга меҳр кирадир.  
Пойингизни ўпган Навоий, Бобур,  
Сингилжон, опагон, онагонларим!

Бошга байроқ қилинг шарм-ҳаёни,  
Абад ҳамроҳ билинг нурни-зиёни,  
Бахтга тўлсин умрингизнинг ҳар они,  
Сингилжон, опагон, онагонларим!

Мард ўғиллар, паридек қизлар туғинг,  
Ёрларингиз суйинг, бошингиз эгинг,  
Жонларин бергуси, десангиз: "Бегим!"  
Сингилжон, опагон, онагонларим!

Кўлга қалам олдим байрам баҳона,  
Ушбу шеърим қутлуғ кунга тўёна,  
Вафодор бекасиз, меҳрибон она,  
Сингилжон, опагон, онагонларим!

## С Е Н

Қайга борсанг насибанг бутун,  
Не иш қилма, ошигинг олчи.  
Ҳеч тинмайсан на кундуз, на тун,  
Билагингда юз отнинг кучи.

Файратлисан, бунга шубҳам йўқ,  
Шум ажалга бероласан чап.  
Бир амаллаб қоласан тирик,  
Ҳаттоки азроилни алдаб.

## Ш О И Р

Шоир ҳам эл қатори одам,  
У ҳам ухлар, ейди, ичади.  
Кайфияти кўтарилган дам,  
Хаёл қанотида кўкка учади.

Шоир ҳам эл қатори одам,  
У ҳам қувонади, ғамга ботади.  
Фақат унда кўпроқдир чидам,  
Оч-ялангоч қолса, сабр этади.

Шоир ҳам эл қатори одам,  
Ёвдан кечиб, дўстни севади.  
Кимлардандир хўрлик кўрса ҳам,  
Гина-қудуратни йироқ қувади.

Шоир ҳам эл қатори одам,  
Гоҳо семиради, гоҳо озади.  
Фақат дилин ўртаса алам,  
Тўлиб-тошиб шеърлар ёзади.

Шоир ҳам эл қатори одам,  
"Бола-чақам", дея елади.  
Юрт бошига кулфат тушган дам,  
Энг биринчи бўлиб келади.

Шоир ҳам эл қатори одам,  
Вақт-соати етгач, ўлади.  
Унутмайди чин дўсти - қалам,  
Шеърлари қатида яшаб қолади.

\* \* \*

Қаро бўлди ёруғ кунларим,  
Кўнглим сезар - қолмайман омон.  
Тонг узокдир, узун тунларим,  
Энди менинг яшашим гумон.

Гуноҳим не эди, жодугар малак?  
Эшигинг олдидан ўтмагай йўлим.  
Бир қиё боқмадинг, қолди муаллақ-  
Сен томонга чўзилган қўлим.

\* \* \*

Самарасиз ўтган кунларим оҳи,  
Бир куни ёқамдан олиши аниқ.  
Шу боис тор хонада гоҳи,  
Чирогим тонггача туради ёник.

Ўлтираман мижжа қоқмайин,  
Қўлда қалам, тутганча аза.  
Шундай ўтар кунларим, ойим -  
Ўз-ўзимга бераман жазо.

### МАШРАБОНА

Дўстлардан юзимни бурсам,  
Айтилмаган жойга борсам,  
Золим сўкканда жим турсам,  
Бевақт тилдан қолди, денглар.

Нодон билан ҳамдам бўлсам,  
Лафзсизни чин ёр билсам,  
Ўғри билан ўйнаб-кулсам,  
Паймонаси тўлди, денглар!

Берган аҳд-ваъдамни бузсам,  
Бевақт дайдиб, кўча кезсам,  
Эллиқдан сўнг йўлдан озсам,  
Оллоҳ ақлин олди, денглар!

Ёлғон ваъдаларга учсам,  
Ўлимдан кўрқиб онт ичсам,  
Амал деб иймондан кечсам,  
Очилмайин сўлди, денглар!

Улусдан меҳрим изласам,  
Нопок мақсадни кўзласам,  
Рост қолиб, ёлғон сўзласам,  
Асад Сафар ўлди, денглар!

### А Ф З А Л

*(Махтумқули йўлида)*

Муҳаббатсиз касга кўнгил бергандан,  
Ўзлатга чекиниб яшаган афзал,  
Қадринг билинмаган жойга боргандан,  
Ўз уйингда қуруқ нон еган афзал.

Қўрқ, эл бўзлаганда кулиб тургандан,  
Ҳар куни беҳуда хаёл сургандан,  
Ёлғон сўзлаб, юз йил яшаб юргандан,  
Ўлар бўлсанг ҳам ростин деган афзал.

Эр боши ҳам орзусига етмаса,  
Бир хунар этагин маҳкам тутмаса,  
Бошлаб кўйган юмушлари битмаса,  
Улуғларнинг пандини олган афзал.

Ўлмайин қолмайди на бой, на тўра,  
То қиёмат яшаб, биз киммиз, жўра?  
Ҳадеб нолиб, йиғлаб юргандан кўра,  
Тирик пайтинг завқ-шавққа тўлган афзал.

Дўстинг ютуғига этмагил ҳасад,  
Минг уринма, асло яхши бўлмас бад,  
Пок тутгил тилингни, дилингни, Асад,  
Тангри йўриғига амал қилган афзал!

\* \* \*

Бир дўстим бор, дилдан севади,  
Яшар бало-қазодан асраб.  
Кўз ёшлари юзин ювади,  
Улсам, бот-бот қўяди эслаб.

Йўқ эмасдир фанимларим ҳам,  
Дилида кин, кўзида ўқи.  
Дўст-ёв орасида яшайди одам,  
Бу дунёдан ўтгунча токи.

### **МЕНИ ҲАММА ТАНИЙДИ**

Яхшиларга жўраман,  
Нодондан юз бураман,  
Дўстга жоним бераман,  
Мени ҳамма танийди.

Оллоҳ тутқазди қалам,  
Ёзаман ҳар кун, ҳар дам,  
Билар катта, кичик ҳам,  
Мени ҳамма танийди.

Кимлардир қилар ҳавас,  
Оддий шоирман, холос,  
Номимни тутсангиз бас,  
Мени ҳамма танийди.

Помукқа йўл олсангиз,  
Диллашмоқчи бўлсангиз,  
"Асад Сафар", десангиз,  
Мени ҳамма танийди.

### **КЕЧИРГИЛ**

Муруватли эр-шоҳдир,  
Беайб фақат Оллоҳдир,  
Фанимларинг бошини,  
Эгиб келса, кечиргил.

Боланг жигарпорангдир,  
Кувончинг, дил ярангдир,  
Бағрингга бос барини,  
Гуноҳ қилса, кечиргил.

Шундайлар бор: айб қилиб,  
Юрар сўнг мулзам бўлиб,  
Кифтига қоқиб аста,  
Сўзинг олса, кечиргил.

Хушёр бўлгил, ҳадемай,  
Ажал келар сўрамай,  
Осий айбин кюволмай,  
Бевақт ўлса, кечиргил.

### ҲАЗИЛГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАКИҚАТ

-Эржон, бугун яхшилаб,  
Гаплашмасак бўлмайди.  
Йўқса, тинчимам кундуз,  
Тунда уйқум келмайди.

Ҳар куни кузатаман:  
Бедор тонг оттирасиз.  
Шеър, алламбало дея,  
Бошингиз қотирасиз.

Туғабди сигир еми,  
Эсингизда йўқ чоғи?!  
Болаларга бир қаранг,  
Кўриниб қолган сўяги.

Ўғрилиқ қиласизми,  
“Бизнес”га ўтасизми -  
Бу сизнинг муаммонгиз,  
Уйлантиринг каттангизни!

Анов қўшнини кўринг,  
Яқинда “Нексия” олди.  
Кеча хотин, ўғил-қизин,  
Шаҳарга оббориб келди.

Сиз эса шодсиз, тавба,  
Нималарнидир ёзиб,  
Гарчи, рангингиз сўлғин,  
Кетгансиз озиб-тўзиб.

Ё бизни денг, ё шеърни.  
Бугун айтинг ростингиз.  
Шу балога дуч қилган  
Темирпўлат дўстингиз!

... Хуллас, ҳар кун кечгача  
Тинмас янгангиз жағи.  
Қандай зўр шеърлар ёзай,  
Тушунарлидир буёғи.

\* \* \*

Устоз, барча гапингиз тўғри,  
Айб менда, мен қилдим хато.  
Сиз ҳалолсиз, мен эса ўғри,  
Пок итингиз товоғи ҳатто.

Йўқ, палидсиз деганим бари -  
Ёлғон, ёлғон! Сўзимдан қайтдим.  
Тубанлашаяпсиз қариган сари,  
(Бу гапларни ичимда айтдим).

### ДИЛ ОҒРИҒИ

Малҳамингдан наф йўқ, табиб,  
Дил оғриғи босилмайдур.  
Давоси надир-на ҳабиб,  
На-да ағерим билмайдур.

Фароғатсиз куним-туним,  
Тан яйрамас, кўз кулмайдур.  
Тузимни еган оғайним,  
Ҳолимдан хабар олмайдур.

Дўстим, дардимга бўл малҳам,  
Тезроқ келмасанг бўлмайдур.  
Сен келмасанг, кетмайди ғам,  
Ҳамда ғариб дил кулмайдур.

Ёзишдан тўхтасам гоҳи,  
Юрак "ёз, ёз", деб қўймайдур.  
Асад Сафарнинг ҳамроҳи -  
Оппоқ қоғоз, қалам, майдур!

\* \* \*

Орзуга етолмайсан,  
Қўлагувчинг бўлмаса.  
Естиқни кўз ёшингга,  
Эзганингдан йўқ фойда.

Журъат билан чўққига,  
Астойдил интилмасанг,  
Хаёлларга инониб,  
Кезганингдан фойда йўқ.

Кундузнинг ташвишлари,  
Елдек кетар тўзгитиб.  
Тунлар ётмай режалар,  
Тузганингдан фойда йўқ.



Китобингни чоп этишга,  
Бирон мард топдлмасанг,  
Асад Сафар, ҳадеб шеър  
Ёзганингдан фойда йўқ.

### ОЧИЛ ТОҲИР СЎЗИ

Менинг кайфиятим бузолмас ҳеч ким,  
На ганим гайбати, на ёлгон-риё.  
Ҳар қандай тўсиқни йиқитиб кетгум,  
Улар лойқа сувдир, мен-жўшқин дарё.

Мансаб, ёмоқ-ичмоқ бор-йўқ қайғуси,  
Майда манфаатлар қулидир улар.  
Чўққидан юмалаган тошдирман асли,  
Тоғнинг ҳўчкисига ким ҳам бас келар?!

### ОТАМУРОД ОТАБОВДАН

Бир ғалати туйғу яшар дилимда,  
Ҳар сафар олис йўлга чиққанимда,  
Нимадир бир нарса гўё ортимда,  
Қолган каби, бир шубҳа бор ўзимда.

Манзилга етаман, қарайман бир-бир,  
Лаш-лушларим, ҳамма нарсам-жойида.  
Нима экан у менга тинчлик бермаган -  
Юракми, қийналган шеър ёзиш кўйида?

Ниҳоят англадим бу туйғу сирин,  
Аниқроқ ҳис қилдим ёлғиз пайтимда,  
Онамдайин йўлларимга кўз тикиб,  
Ватан экан у қолган ортимда.

\* \* \*

Отам-онам учун фарзандман, фарзанд,  
Уларга фарзандлик бурчим бор менинг.

Ўғил-қизим учун отаман, ота,  
Уларга оталик бурчим бор менинг.

Бир гузал аёлнинг ёстикдошиман,  
Унга ёстикдошлик бурчим бор менинг.

Акам, укам, синглим учун жигарман,  
Уларга жигарлик бурчим бор менинг.

Дўст-ёрларим учун дўстдирман мен ҳам,  
Уларга дўст-ёрлик бурчим бор менинг.

Душманларим учун кучли душманман,  
Уларга душманлик бурчим бор менинг.

Элим учун мен ҳам элнинг биттаси,  
Элимга ўғиллик бурчим бор менинг.

Юртим учун юртнинг фуқаросиман,  
Унга фуқаролик бурчим бор менинг.

Ўз ватаним учун аскарман, аскар,  
Хам унга аскарлик бурчим бор менинг.

Халқим учун халқ, хоҳласа шоирман,  
Хам унга шоирлик бурчим бор менинг.

Бу қаро ер яширгунча қўйнига,  
Қаранг, қанча бурч бор инсон, бўйнида!

### ЎЗБЕКЛАР

Суяйди дўст-ошнасин,  
Бошига не тушмасин.  
Ранжитмас ён қўшнисин,  
Хўп меҳрибон ўзбеклар.

Севар улоқ, курашни,  
Ёқтирмайди урушни.  
Қойиллатар ҳар ишни,  
Чўпон, деҳқон ўзбеклар.

Бузмас аҳду паймонин,  
Хешдан аямас жонин.  
Қўяди сўнгги нонин,  
Келса меҳмон, ўзбеклар.

Йўл бермайди риёга,  
Ихлоси зўр ҳаёга.  
"Ўзбек" номин дунёга,  
Қилди дoston ўзбеклар.

Кўкда порлар қуёши,  
Борсанг тайёр нон, оши.  
Жасур, оқил Юртбоши,  
Сайлай билган ўзбеклар!

## ДОВУД БОБО

Ҳар кун тонгда уйғонар,  
Ешлигини соғинар,  
Кўш тинар, деҳқон тинар,  
Тинмайди Довуд бобо.

Юраги очик, софдил,  
Юради ўқтам, дадил,  
Бирозгина соддадил,  
Кўшнимиз Довуд бобо.

Шавқ тўлсин кўнглингизга,  
Нур тўлсин уйингизга,  
Илоё, киринг юзга,  
Кўшнимиз Довуд бобо!

## ДЎСТЛАРИМ

Сиз қошимда-ёнимдасиз,  
Томиримда, қонимдасиз,  
Танамдасиз, жонимдасиз,  
Мени қўллаган дўстларим!

Яшанг юртим ҳарёғида,  
Кўйманг гам-фирсоқ доғида,  
Ҳар куни саҳар чоғида,  
Мени ўйлаган дўстларим!

Қолсам дийдорингиз кўмсаб,  
Кетгум келар сизни излаб,  
Менинг жўн шеърларим мақтаб,  
Ёниб сўйлаган дўстларим!

Пилик бўлиб чирогимга,  
Нур эндириб қарогимга,  
Юракларин юрагимга,  
Маҳкам бойлаган дўстларим!

\* \* \*

Отам ўтган бу йўлдан,  
Бир кун мен ҳам ўтарман,  
Онам кетган бу йўлдан,  
Бир кун мен ҳам кетарман.

Ёв ўгитин олмасман,  
Элга ёмон демасман,  
Йўқ, тўтиқуш эмасман,  
Ўз кўшигим айтарман.

Пандим ўғил-қизимга,  
Гард юқтирмам изимга,  
Кўзлаган манзилимга,  
Иншооллоҳ, етарман!

Қарогим кўриб турса,  
Юрагим уриб турса,  
Оллоҳим умр берса,  
Ўнта дoston битарман!

### САККИЗЛИКЛАР

*"Муҳаббат кўшиклари" туркумидан*

Сиз мени севасиз. Биламан бунн,  
Лек ётдан оласиз хавотир.  
Азизам, мен сизни учратган кунн,  
Тилим бийрон эди, юрагим ботир,  
Бекор гап: биз кўш хўкизмасмиз,  
Мен-Отабек, сиз эса-Кумуш.  
Ишқда ҳеч кимдан каммасмиз,  
Асло, асло бўлмангиз хомуш.

\* \* \*

Шошилмай киясан пальтонгни,  
Бир оғиз "қол", сўзимни кутиб.  
Сезаман кўзингдан кайфиятингни,  
Мўлтирайсан нафасинг ютиб.  
Ортингдан боқаман, чиқармай унни,  
Кўзларимдан йитгунингча то.  
Қоламан ҳамроҳ тутиб тунни,  
Сени обкетади бераҳм авто.

\* \* \*

Поксиз она сутидай,  
Ёқасиз дўзах ўтидай,  
Кувсам, бермайсиз тутқич,  
Алпомишнинг отидай.  
Кўрдим ўнгда ҳам тушда,  
Париларга ўхшайсиз.  
Топилмайсиз ер, аршда -  
Эртақларда яшайсиз.

\* \* \*

Жўшиб минбарда шеър ўқиётгандим,  
Ялт этиб қараб кўйдинг, чамамда.  
Афсус, магар бўлганда эдик,  
Сен ўн саккиз, мен йигирмамда.  
Ўша нигоҳ учун бахш этардим,  
Хом-хато шеърларим барини.  
Қайга десанг, жоним, бирга кетардим,  
Итқитиб курсиси, минбарини.

\* \* \*

Узилди кўнгилнинг кўш тори,  
Жаранглаб кетди сўнги дафъа.  
Йироқлашдик янаям нари,  
Уртада минг йиллик масофа.  
Гарчи кўзлар тўлсаям ёшга,  
Такрор сирлашмайди кўлимиз.  
Бари-бари эврилди тушга,  
Энди бошқа-бошқа йўлимиз.

\* \* \*

Кундуз ташвишлари, кечанинг ғами,  
Эзгу ҳисларимни борар ўлдириб.  
Бекор ўтаётган ўмрим ҳар дами,  
Тинчлик бермас, қўйдим юрак олдириб.  
Кўринар кўзимга саволлар бўлиб,  
Осмондаги милтиллаган юлдузлар.  
Йиглайман тунлари бағримни тилиб,  
Жилмайиб юраман сўнгра кундузлар.

\* \* \*

Бостириб келаётир алам лашкари,  
Эгаллаб олмоқда кўнглим қалъасин.  
Қанчалар аврамай кетишмас нари,  
Унутиб боряпман онам алласин.  
Ғалати туйғулар дилим қаърида,  
Кўтарар тинимсиз ғалаён, жанжал.  
Ташқарига чиқсам, эшик олдида.  
Кўлтигида кафан, турибди ажал.

\* \* \*

Мен бугун ҳеч кимга ишонмай қўйдим,  
На факирга, на тужжор, бойга.  
Юрагим қонатдим, кўзимни ўйдим,  
Ботдим то тиззамгача лойга.  
Мен бугун ҳеч кимга ишонмай қўйдим,  
На очкўзга, на хотамтойга.  
Ёлгон қуй-қўшиқдан, "миш-миш" дан тўйдим,  
Бошим олиб кетдим гайдойтопмас жойга...

\* \* \*

Кўнгил яна кўмсар қишлоқни,  
Чорлар мени ёлғизоёқ йўл.  
Етолмадим, эртақдагидай,  
Юрсам ҳам қанча узоқ, мўл.  
Йўлимнинг ярмида англаб етдим,  
Нима у оёққа тушов солган -  
Қишлоқдадир кўнгилнинг ярми.  
Ярми эса шаҳарда қолган.

## ТҮРТЛИКЛАР

Элга айтар кўшиқларим кўп,  
Менга муштоқ ошиқларим кўп,  
Қачон келаркин, деб нигорон,  
Кутаётган ҳовли-эшиқларим кўп.

\* \* \*

Тошдан қорилганми лойингиз -  
Қилт этмади бирон мўйингиз.  
Эҳ, қизингиз севмаганимда,  
Кулга айланарди уйингиз!

\* \* \*

Ўтган эллик йилим-эллик боламдир,  
Эллик қабрим, эллик ноламдир.  
Бошимдаги сийраклаган сочларим -  
Ҳосилдан бўшаган яйдоқ даламдир.

\* \* \*

Куй-кўшиқ чиқади куйган кўнгилдан,  
Ҳаётнинг завқини туйган кўнгилдан,  
Ҳар бир кучоқ очган дўст бўлавермас,  
Некликни кутмагил тоши енгилдан.

\* \* \*

Йигит соғинади қиз кўз-қошини,  
Чол соғинар навқиронлик ёшини.  
Телба дунё экан, бу дунё, ажаб:  
Дор соғинар эмиш марднинг бошини.

\* \* \*

Шукур, ризқим териб юрибман,  
Элдан олиб, бериб юрибман.  
Қисик эмас ҳеч кимдан тилим,  
Кўкрагимни кериб юрибман.

\* \* \*

Куюш ботди ва сўнди шафақ,  
Умримиздан бир кун йўқолди.  
Юрак тинмай қилади сўроқ,  
Айт-чи, бугун сендан не қолди?

\* \* \*

Дунёда гам-алам, кувонч қоришиқ,  
Муҳаббат абадул-абад ўлмас қўшиқ,  
Ой қоронғу тунда нур сочган каби,  
Мискин кўнгилларни ёритади ишқ.

\* \* \*

Шоҳ эрурсен, бохабар бўлсанг,  
Эл қочар каландимоғ, кибор бўлсанг.  
Не учундир айрим кимсалар,  
Устингдан кулишар беғубор бўлсанг.

\* \* \*

Тўқни тўйдириш қийин,  
Дилин ийдириш қийин.  
Сўзлайверар вайсақи,  
Тилин тийдириш қийин.

\* \* \*

Оқни қора дегувчилар бор,  
Ҳаром-ҳалол егувчилар бор.  
Амал-мансаб, мол-давлат учун,  
Зўр томонга оғувчилар бор.

\* \* \*

Бирда олиб, бирда бериб сотгувчисен,  
Нафс қўймас, еб-ичиб ҳам қучгувчисен.  
Меҳмондирмиз ушбу қарвонсаройга,  
Сен ҳам, Асад, ал-оқибат кетгувчисен.

\* \* \*

Гоҳ яхши-ла, гоҳ ёмон-ла биргасен,  
Гоҳ пойгақда, гоҳ эса тўрдасен,  
"Ҳақгўйман", деб тилинга эрк бермагил,  
Йўқса, шаксиз, барвақт кетгунг гўрга сен.

\* \* \*

Эл тилидан тушмас қўшиқ бўл,  
Маъшуфинга лойиқ ошиқ бўл.  
Эй Асадбек, ҳеч бўлмаганда,  
Чакалоқ ётулик бешиқ бўл.

\* \* \*

Эшитган нарсангни кўрдим, деб бўлмас,  
Бегона уст-боши сенга зеб бўлмас.  
Таклиф этилмасанг дастурхонига,  
Биров тасмидан еб, ичиб бўлмас

\* \* \*

Болангни сев, қош-кўзин ўп,  
Сўзлагил дилингдан борини.  
Улуснинг беадоқ дардлари кўп,  
Сабринг етса, тингла зорини.

\* \* \*

Баъзан ўз-ўзимдан тўлиб кетаман,  
Хазондек сарғайиб, сўлиб кетаман.  
Дардимни айтгани дарддош тополмай,  
Дардим ичга уриб, ўлиб кетаман.

\* \* \*

Инсонларнинг меҳри офтобдан ортиқ,  
Улуғ совға йўқдир китобдан ортиқ.  
Асадбек, унутма ҳеч нарса йўқдир,  
Ҳақ йўлига қилинган савобдан ортиқ.

\* \* \*

Айбни дўстанмас, ўзингдан ахтар,  
Билиб-билмай деган сўзингдан ахтар.  
Вақт суронида, йиллар чангида,  
Хиралашаётган изингдан ахтар.

\* \* \*

Ҳар қандай ҳолатда қаддингни тут тик,  
Лафз этсанг гар сўзингнинг устидан чиқ.  
Қайгу - аламларингни аритай десанг,  
Дўст излагил, топил, кўнглингга лойиқ.

\* \* \*

Йўқдир агар амалинг,  
Олмас ҳеч ким саломинг.  
Соддадил бўлма, Асад,  
Дўстдир факат қаламинг.



\* \* \*

Куй-қўшиқ янграса, кўнгилга байрам,  
Гул ял-ял очилса, булбулга байрам.  
Мард ўлса, бутун юрт мотам тутгуси,  
Залим шоҳ рихлат этса, элга байрам.

\* \* \*

Бир заминда яшаб, бирга ишлашдик,  
Бирга баҳорлашиб, бирга қишлашдик.  
Оға-ини, қариндош, дўст-ёрларнинг  
Дийдорига тўймай хайр-хушлашдик.

\* \* \*

Дўстим келар дея дастурхон ёздим,  
Йўлига кўз тикиб, куним ўтказдим.  
То тонггача кутдим, келмади, аммо,  
Икки тилли нобакордан дил уздим.

\* \* \*

Гоҳ кулдим, гоҳ тортдим оҳ,  
Қардошим чикди гумроҳ,  
Ҳеч ким бўлмади ҳамроҳ,  
Ёлғиз дилдордан бўлак.

\* \* \*

Мард панага яширинмас,  
Қийшангламас, эшилмас,  
Юрагимни тушунмас,  
Қўлдаги тордан бўлак.

\* \* \*

Юкинганим беғубор,  
Жондош ёр-дўст қайда бор?  
Олмас ҳолимдан хабар,  
Парвардигордан бўлак.

\* \* \*

Жоним қафасига сиймай потирлар,  
Устимга бостириб келар хотирлар.  
Қайдан ҳам билишсин андух нелигин,  
Дунёдан беҳабар дили қўтирлар?!

\* \* \*

Нафс бандалари, кайфлари-тарак,  
Ўраб олишади мени бир пасда.  
Сездирмай даврани этаман тарк,  
Қўрпачадан сирғалиб аста.

A decorative border with floral and scrollwork patterns surrounds the text.

## **ЗАНГОРИ ФАСЛ**

*(Миришкор туманидаги Баҳористон педагогика-иқтисодиёт касб-хунар коллежи қошидаги "Ниҳол" адабий-баддий тўғараги қатнашчилари ижодидан намуналар)*

## „НИҲОЛ“ ЎСИБ-УЛҒАЙИБ ДАРАХТ БЎЛГАЙ...



Инсон боласи эзгу ниятлар билан ниҳол ўтказади. Ниҳолим она замин бағрига чуқур илдиз отса, барг ёзиб, мева тугса, ҳосилидан катта-кичик баҳраманд бўлса, дея эзгу ниятларни дилга жойлашади. Эккан ниҳол йиллар ўтиб, шигил мева бергач, бир қувончига юз қувонч қўшилади.

Коллежимиз асосан педагогик-иқтисодиёт йўналишидаги кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлиб, бу ерда талабаларнинг тўлақонли билим олишлари учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар мавжуд. Етарли билим ва малакага эга бўлган педагогларимиз ёшларнинг малакали мутахассислар бўлиб етишишлари йўлида ўз билим ва тажрибаларини аяшмаётир.

Шу билан бирга, коллежимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб етишишлари учун дарсдан ташқари амалга ошириладиган тадбирларга ҳам катта эътибор бераёلمиз. Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта, бахтли бўлишлар шарт”, - деган пурҳикмат сўзларини ўзимизга дастуриламал билган ҳолда турли хил маданий тадбирлар, байрамларнинг кўтаринки руҳда уюшқоқлик билан ўтказилишига эътибор қаратмоқдамиз. Фанлар бўйича тўғаракларнинг аниқ жадвал бўйича ўтказиб борилишини қатъий назорат остига олганмиз.

Коллежимиз қошида “Ниҳол” деб номланган адабий-бадий тўғаракнинг фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлганича йўқ. Шунга қарамайдан бадий адабиёт билан ошно тутинган 30 нафарга яқин йигит-қиз тўғарак машғулотларига фаол қатнашиб, мақола, лавҳа, очерк, шеър, ҳикоя ёзиш сирларини зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Тўғарак қатнашчилари бадий адабиёт, журналистика назариясини ўрганиш билан бирга, илк машқларини ўзаро қизгин муҳокама этиб, қизгин мунозаралардан сўнг такрор-такрор ишлаб, пишитиб, сўнггина газеталар таҳририятларига ҳавола этишмоқда. Ўтган давр ичида тўғарак иштирокчиларидан аксариятининг ижод намуналари туман газетасида чоп этилди. Гулмира Беганжиева, Баҳодир Сулаймонов, Жамила Мередова, Бекзод Дурдалиевлар ана шундайлар жумласидандир.

Иқтидорли ёшларнинг бошини қовуштириб, таъбир жоиз бўлса, илҳом булоқларининг кўзини очишда мазкур тўғарак раҳбари, истеъдодли журналист ва шоир Асад Сафарнинг хизмати беқиёс, албатта. Асад Сафарни бугунги кунда нафақат туманимизда, балки вилоятимизда ҳам кўпчилик яхши танийди. Ўтган йили унинг “Юрагимда эл дарди” номли шеърлар тўплами чоп этилиб, назм шайдолари томонидан илқ кутиб олинди. Қўлимиздаги китобга

киритилган шеърлари ҳам шоирнинг ўз устида тинимсиз, масъулият билан тер тўкаётганлигини яққол исботлаб турибди.

Ижодкор ёшларимиз эзгу ният билан тўғарақлари номини "Ниҳол" деб номлашибди, шояд, келгусида тўғарақ иштирокчилари элимиз суйган журналист, шоир, ёзувчилар бўлиб етишсалар...

Эзгу ният билан қўлларига қалам олган истеъдодли ўғил-қизларимизга ижоднинг машаққатли ва шарафли йўлларида сабот-матонат ва ижодий муваффақиятлар тилайман.

**Наримон АБДИЕВ,  
Миришкор туманидаги Баҳористон педагогика-  
иқтисодиёт касб-хунара коллежи директори.**

**Моможон МАМАТҚУЛОВА, талаба**

### **А Ё Л**

Аёл - бу оқибат, садоқат, Ватан,  
Аёл - бу нафосат, муҳаббат рамзи.  
Аёл - куртак ёзиб, гуллаб-яшнаган,  
Бағри кенг, мусаффо табиат рамзи.

Кўксига талпинган гўдак қалбига,  
Ватан азилигини жо этар Аёл.  
"Болажон, содиқ бўл қутлуғ ошёнга" -  
Дея фарзандига сўз айтар Аёл.

Аёлга қувват бўл, нурли истиқбол,  
Мурғак гўдақларин парвариш қилсин.  
Она юрт бағрида кўрмайин завол,  
Алқомат ўғлонлар ўстириб берсин.

Аёлни эъзозланг, қадрланг, дўстлар,  
Дилин ўртамасин ёмон ўй-хаёл.  
Авллод шажарасин яратган илк бор,  
Мунис, меҳри дарё Аёлдир, Аёл.

### **ДАРАКЧИЛАР**

Мунис Баҳоройдан келтириб дарак,  
Сочимни силайди майин шаббода.  
Ана, дарахтлар ҳам ёзибди куртак,  
Офтоб чарақлайди кўм-кўк самода.

Қалби тўла умид, елкада кетмон,  
Далага йўл олди бободехқон ҳам.  
Уйғониб дунёга боқарди шодон,  
Қўллар тафтин сезган она замин ҳам.

Қор-ёмғирдан зада қирнинг ҳам бугун,  
Туниб бежаб тұрар сулув бойчечак.  
Момом дер: "Бугдойим унибди дуркун,  
Тонгда тайёр бўлар хушхўр сумалак".

Соғинган дилларга ҳуш келдинг, Баҳор,  
Ҳуш келдинг мунисам, мўл ризқ-у рўзим.  
Хув ана, изингдан эргашиб хушхўл,  
Юртимга қайтмоқда эрка Наврўзим.

*Гулмира БЕГАНЖИЕВА, талаба*

### **БОРОДУР**

Юлдузларга қараб бироз ўксидим,  
Хижрон юрагимни тилиб бородур.  
Бемехр дунёдан меҳр изладим,  
Дўстлар сирларимни сотиб бородур.

Инсонсан, дунёда қолдир яхши ном,  
Ғаниматдир бу жон, ғанимат ҳар он.  
Яхшилиқ жавобсиз қолмас ҳеч қачон,  
Ёмонлар жазосин олиб бородур.

Бу фоний дунёга ким устун бўлган?  
Фақат онамиздир бизни англаган.  
Қайси фарзанд юртини тан олмаган -  
Ёвузлик уруғин сочиб бородур.

Кимгадир шон керак, кимгадир шафқат,  
Кимгадир ном керак, кимгадир давлат.  
Судхўрни тўйғизиб бўлмади ҳеч вақт,  
Мол-давлат ортидан қувиб бородур.

Дунёга дил берманг, у бевафодур,  
Етим кўзида ёш, ҳоли абгордир.  
Ким фарзанддан безар, ким эса зордир,  
Бир кам дунё бўлиб ўтиб бородур.

Ҳар кас ўзига бек, ўзига хондир,  
Узин ўйлаганнинг охири войдир.  
Ғуноҳнинг маҳшарда сўроғи бордир,  
Азроил жонини олиб бородур.

Жонлар фидо бўлсин шу юрт, шу элга,  
Булбуллар куйласин кўниб ҳар гулга.  
Гулмира шеър ёзар жўшиб баралла,  
Интилган мақсадга етиб бородур.

## БАҲОР ҚАЙТАДИ

Армон ёқасида, соғинч қошида,  
Кўзларимда еш-у, юрагимда ғам.  
Бугун тирикман-у, эртага билмам,  
Яна баҳор қайтар, мен қайтмасам ҳам.

Қизлар жўшиб ўлан, ёр-ёр айтади,  
Бодомлар гуллайди, турна қайтади.  
Она замин гулларга бурканади,  
Яна баҳор қайтар, мен қайтмасам ҳам.

Ўлсам дўстлар бўзлар, кўзларида ёш,  
Тилайман уларга Оллоҳдан бардош,  
Онажоним бўзлар кўтармайин бош,  
Яна баҳор қайтар, мен қайтмасам ҳам.

Арғимчоқ учади қувнаб болалар,  
Қир-адирда очилади лолалар,  
Дугоналар қилишади нолалар,  
Яна баҳор қайтар, мен қайтмасам ҳам.

## ОТА-ОНАЛАР

Дунёнинг бор гўзаллиги ўзингизсиз, оналар,  
Дунёнинг беғуборлиги ўзингизсиз, оталар,  
Сиз билан бахтли мудом дунёдаги болалар,  
Омон бўлинг бахтимизга, азиз ота-оналар!

Жаннатнинг бор неъматлари пойингизга тўкилгай,  
Илтижолар қилсангиз бас, орзуингиз ушалгай,  
Хатто барча пайғамбарлар қошингизда бош элгай,  
Омон бўлинг бахтимизга, азиз ота-оналар!

Кўнглингизни ранжитса гар бир нодон кўпол,  
Бир куни албатта ул топгусидир завол,  
Истайсиз - фарзандларингиз топгай камол,  
Омон бўлинг бахтимизга, азиз ота-оналар!

Бирингиз ой бўлсангиз, бирингиз қуёш,  
Кийинчиликларга доимо берасиз бардош,  
Илоҳо, кўзларингизда ҳеч кўрмайлик ёш,  
Омон бўлинг бахтимизга, азиз ота-оналар!

Бугун сизга атаб қалбдан ёзаяпман шеър,  
Сизни олқишлайди борлиқ, осмон, юлдуз, ер,  
Йўқолсин дунёдан, ғам-у ҳасрат, нолалар,  
Омон бўлсин бахтимизга, азиз ота-оналар!

*Роза ФРИМҚУЛОВА, муаллима*

### **НАВРЎЗ**

Солди Наврўзим,  
Дилларга ором.  
Лолалар қувнаб,  
Айлади хиром.

Ариқда сув ҳам,  
Жилдираб оқар.  
Чехралар гулгун,  
Меҳр-ла боқар.

"Баҳор валси" га,  
Ҳйнашар қизлар.  
Тиллардан учади,  
Жарангдор сўзлар.

Болақайлар гуллар-  
Териб келишар.  
Моможонлар олиб,  
Кўзга суришар.

*Абдулазиз БЕГМАМАТОВ, талаба*

### **ЁШЛИГИМ**

Кўчаларда зир югуриб,  
Ўтиб борар ёшлигим.  
Яхши-ёмонларни кўриб,  
Ўтиб борар ёшлигим.

Дарё каби тўлиб-тошиб,  
Гоҳо қирғоғидан ошиб,  
Гоҳо секин, гоҳо шошиб,  
Ўтиб борар ёшлигим.

Сочларин шамолга тараб,  
Гўзалларга зимдан қараб,  
Юракка ишқ ўтин қалаб,  
Ўтиб борар ёшлигим.

*Фахриддин НОРҚУЛОВ, талаба*

### **АЙЁР СИНГЛИМ БАҲОРА**

У кун синглим Баҳора,  
Туриб олиб наҳорда.  
Косани синдирибди.  
Айбини билдирибди.



Ойим ишдан келдилар,  
Буни билиб олдилар.  
Коса синигин кўрди,  
Бироз ҳўмрайиб турди.

Баҳора кўрқиб қочди,  
Ойим чиройин очди.  
Айёр синглим Баҳора,  
Энди турмас наҳорда.

*Баҳодир СУЛАЙМОНОВ, талаба*

### **СЕНИ КЎРДИМ...**

Ногоҳ кўрдим, юрагимни ўғирладинг,  
Сўз қотгандим, индамасдан юзинг бурдинг,  
Неча кундир, ухлолмасдан тўлғонаман,  
Тун ярмида сени эслаб, уйғонаман.

Гоҳо-гоҳо дуч келамиз йўлакларда,  
Муҳаббатимиз жўш уради юракларда.  
Етмоқ они бормикин, оҳ, висолингга,  
Аксинг кўрдим ҳар дарахт, ҳар япроқларда.

*Ҳадича РАЖАБОВА, талаба*

### **ОМОН БЎЛСИН ОНАЖОНЛАР**

Тунлари ухламай бешик тебратар,  
Ҳар кун эртак, алла айтиб ухлатар.  
Улғайишимизни умид-ла кутар,  
Омон бўлинг, меҳрибон онажонлар!

Фарзандларин жонидан ортиқ кўрган,  
Қайга кетса, етаклаб олиб борган,  
Касал бўлсак, ўзин ҳарёнга урган,  
Омон бўлинг, қадрдон онажонлар!

### **УКАМ**

Нимагадир ўзимдан ўзим,  
Аллақандай қўшиқ куйлайман.  
Қўшигимнинг ҳар бир бандига,  
Укам номин қўшиб куйлайман.

Орзуларим бир олам-жаҳон,  
Бари-бари ушалсин дейман.  
Шеър ёзолсам, ҳар бир сатрига  
Укажоним номин жойлайман.

## Қ О Р

Қор ёғади гупиллаб,  
Бурканди куча, ҳарен.  
Ҳам бўлишиб болалар,  
Уйнашади қорбўрон.

Қорни қутган болалар,  
Туииб-туйиб ўйнайди.  
Эртадан то кечгача,  
Ҳориш нима билмайди.

*Феруза МАХСУМОВА, муаллима*

## МУҲАББАТ

Баҳор гулларидек очилдинг, сўлдинг,  
Юракда бир умр сен армон бўлдинг.  
Пок севгим устидан сен гўё кулдинг,  
Наҳот алдадинг сен мени, Муҳаббат?!

Сен бир қасрдирсан, сенга кирмоқ ҳақ,  
Унга кириб яна куйламоқлик нақд.  
Балки бу қасрда айтиладир аҳд,  
Наҳот алдадинг сен мени, Муҳаббат?!

Кул қилдинг, куйдирдинг, куймадинг аммо,  
Бу мушкул дардимга бормикин даво?  
Энди нолаларим тингламас само,  
Наҳот алдадинг сен мени, Муҳаббат?!

Юрагимда армон бўлган муҳаббатим,  
Излаб, топиб, сўнгра абад йўқотганим,  
Қонлар ютиб, узун тунлар қўмсаганим,  
Наҳот алдадинг сен мени, Муҳаббат?!

Юрагимда армон бўлган Муҳаббатим...

*Элёр БЕГМАТОВ, талаба*

## О Н А

Дунёда энг буюк зот - онадир, она,  
Чор-атрофимизда бўлар парвона.  
Нон каби азиздир опа-сингил, лек,  
Инонган тоғимиз онадир, она.

Зеро, бешигимиз она тебратган,  
Зеро, инсон зотин она яратган,  
Зеро, зўр қўшиқни оналар айтган,  
Дунёда қудратли зот - онадир, она.

Мен жилмаяр бўлсам, онажоним шод,  
Қаҳ-қаҳ урар бўлсам, у ҳам шод беҳад,  
Оналар шод бўлса, ер юзи обод,  
Кўнгиллар шодлиги - онадир, она.

*Ўғилбека БОЗОРОВА, талаба*

### ТУРНАЛАР

Турналар, турналар, тўхтанг бир нафас,  
Тингланг Ўғилбеканинг қалб овозини.  
Мен ҳам соғинганман худди сиз каби,  
Она юртимизнинг баҳор, ёзини.

Афсус, учолмайман сиз билан бирга,  
Қадрдон Помуқнинг осмонларига.  
Эҳ, қанча орзулар, қанча умидлар,  
Сизгамайди инсоннинг имконларига.

Учингиз, турналар, учингиз эркин,  
Учингиз ул гўзал ўлкалар сари.  
Сизни кутаётир интизор бўлиб,  
Юртимнинг қадимий миноралари.

### ЁНИК ИСТАК

Ерданми, кўқданми келар бир наво,  
Ёки қалб қаъридан, билолмай қолдим.  
Ё йиғлар яшашдан чарчаган дунё,  
“Умрим оз қолди”, деб йиғлаётган ким?

Ҳавотирга тўлар бу жажжи кўнглим,  
Гўёки куй тугар кўзларим очсам.  
Истардим: дилларни илитса кўнглим,  
Ва дўст йўлларига лолалар сочсам.

*Сарвиноз ЧЎЛИЕВА, талаба*

### БОЛАЛИГИМ

Болалигим, орда қолдинг сен,  
Соғинаман гоҳо сени мен.  
Соғинганда ўйга толаман,  
Болалигим кўмсаб қоламан.

Кўмсар экан одамзод ҳар дам,  
Болалигин-беғуборлигин.  
Ўйинқароқ, шўҳ дамларини,  
Болалигим кўмсаб қоламан.

Сочларимга оқ тушар бир кун,  
Аммо дилдан кетмагай соғинч.  
Болалигим ўйлаб юраман,  
Болалигим кўмсаб юраман.

*Роҳила ТЎХТАЕВА, талаба*

### **ОНА ЎЗБЕКИСТОН**

Сен менинг жаннатдек гўзал маконим,  
Сен менинг жонимсан, танамда қоним,  
Сен менинг суюқли, мунис дилбандим,  
Она Ватанимсан, Ўзбекистоним!

Меҳрли бағрингда вояга етдим,  
Сенга атаб шеърлар, кўшиқлар битдим,  
Улғайгач, мен сенинг қадрингга етдим,  
Она Ватанимсан, Ўзбекистоним!

Сен менинг нурга тўлиқ кўзимсан,  
Олисни ёритар тиниқ кўзгумсан,  
Ҳамда бурро тилдан чиққан сўзимсан,  
Она Ватанимсан, Ўзбекистоним!

*Жамила МЕРЕДОВА, талаба*

### **СОҒИНДИМ**

Тушимга кирибди мактабим бугун,  
Қошим орасига тушди бир тугун,  
Унинг таъбирига ҳайронман, дил хун,  
Биллур ҳаволаринг соғиндим, мактаб!

Умр ўтар экан, сезмай қоламиз,  
Ёшлик ҳам инсонга оллоҳдан бир бахт.  
Оҳ, азиз дўстларим, улуғ устозлар,  
Саждагоҳим менинг жонажон мактаб!

Болаларга қўшилиб боргим келяпти,  
Шамолларда чоғиб, елгим келяпти,  
Бир чиройли кўшиқ езгим келяпти,  
Кўксимдаги қалб ардоғим, мактабим!

*Ўғилой КЎЧАРОВА, муаллима*

### **БАҲОР**

Вужудимни тирнар ажиб ҳис,  
Кунгил пардасини уйғотар маъюс,  
Аста-аста еришар олам,  
Баҳордан дарак бу, билсанг, азизам!

Юракларни бугун айлаб хуррам-шод,  
Чучмомолар бошин кўтармиш азот,  
Бинафша, чечакка тўлсин бу олам,  
Баҳордан дарак бу, билсанг, азизам!

Осмон четида камалак айлаб боз,  
Қушлар сайрамоқда бўлиб жўрвоз.  
Теваракка ифор таратди кўклам,  
Баҳордан дарак бу, билсанг, азизам!

Қуёш нурын сочар, қилиб маҳлиё,  
Боз-у даштларга ҳам сочилди зиё,  
Лола ва ялпизлар кўпайди бирам,  
Баҳордан дарак бу, билсанг, азизам!

*Бахшулла ҚУВВАТОВ, талаба*

### **МУҲАББАТИМ**

Чанг кўчада қолиб кетиб,  
Икки дилни овора қилиб,  
Номардларга кун қолиб,  
Армон бўлган муҳаббатим!

Ғийбат-у бўҳтонга қолиб,  
Яхши-ю ёмонга қолиб,  
Бевафо, нодонга қолиб,  
Армон бўлган муҳаббатим.

Излаб-излаб тополмадим,  
Тунлари ухлайолмадим,  
Севганим айта олмадим,  
Сарсон бўлган муҳаббатим.

Бахшуллабек шеърлар битиб,  
Йўлларингга кўзин тикиб,  
Умр буйи қалбга тугиб,  
Армон бўлган муҳаббатим,  
Сарсон бўлган муҳаббатим.

*Дурдона МЕЛЛАЕВА, талаба*

### **О Р З У**

Қани эди, тушларим ўнгларимга айланса,  
Севгим висол кечасида булбул бўлиб сайраса,  
Ҳавас қилса бизларга мудом яхши, ёмонлар,  
Севгимизга ҳавас қилса нафақат дўст, ғаним ҳам.

Қани эди, севгимиз дoston бўлиб куйланса,  
Ғийбат бўлсак ҳам майли, чор-тарафда сўйланса,  
Афсуски, тушларимиз ўнгимизга айланмас,  
Майли, фақат сен, жоним, мени дилдан севсанг, бас!

### **ЖИЯНИМ МАРДОНАГА**

Жажжигина, ширинтой,  
Гузалиқда мисли ой,  
Дейди: "Моможон, Она",  
Жажжи синглим Мардона.

Ниятлари кўп унинг,  
Ширин сўзи кўп унинг.  
Шўх қилиқлар қилади,  
Куйлашни ҳам билади.

Оиламиз гули ул,  
Сўзлайди мисли булбул.  
Катта-кичик эркаси,  
Оиламиз маликаси.

Доим кулиб юр, эркам,  
Хаётинг бўлсин бекам.  
Сен оламда ягона,  
Тилагим шу, Мардона!

**Шаҳноза ЭГАМБЕРДИЕВА, талаба**

### **ЮРТ СОГИНЧИ**

Бунчалар ҳам йироқ бўлмасанг,  
Бунчалар ҳам осмонинг йироқ,  
Ҳар кун тунда осмонга боқиб,  
Соғинаман, уртайди фироқ.

Қайда қолдинг, қайларда қолдинг,  
Қиндик қоним тўкилган ватан?!  
Йироқлашгач, қадрингни билдим,  
Соғинтириб қуйдингку, Сурхон!

Алпомишни улғайтирган юрт,  
Отам-онам туғилган маъво.  
Яшайман соғинчдан қарахт,  
Сени қўмсаб сурхоний ҳаво.

### **ОТАЖОНИМ**

Бир куни вояга етарман, лекин  
Отажоним ўрни билиниб турар.  
Отамнинг ўрнини босаолар ким,  
Отамнинг меҳрини менга ким берар?!

Онагинам маъюс сўзлайди аста:  
"Бошгинамнинг тожи, беги йўқ энди".  
Ҳар биримиз ўпиб йиғлайди юм-юм,  
Бўзлаб кўзларининг ёшлари тинди.

Суюнчиқ, тоғимиз эдингиз, ота,  
Минг афсус, кетдингиз бизларни ташлаб.  
Кеча-кундуз энди дилимиз хуфтон,  
Роҳат-фароғат йўқ уқиб, на ишлаб.

Ёдингиз доимо ёдимиздадир,  
Унутмаймиз сизни ҳеч қачон, ҳеч он.  
Ишонмайман ҳеч вақт улганингизга,  
Жойингиз жаннатда бўлсин, отажон!

Мўътабар ОМОНОВА, талаба

### САККИЗЛИКЛАР

Куни кечагина бир гўдак эдим,  
Она меҳри билан улғайдим, ўсдим.  
Бугун эса орзу манзили томон,  
Шаҳдам қадам ташлаб, интилиб келдим.  
Орзуим ҳеч қачон бўлмасин армон,  
Ишласам, яшасам тўкиб ҳалол тер.  
Кўлимга қаламни олганим маҳал,  
Илҳом тугамаса, ёзаверсам шеър.

\* \* \*

Кунлардан бир куни Оллоҳим мендан:  
- "Нечун ғамгинсан", деб айласа хитоб.  
Дердим бошгинамни эгиб Оллоҳга:  
- "Онажоним тўшақда ётибди бетоб".  
Ва яна Оллоҳим сўраса мендан:  
"Нима керак сенга тахтми, хонатлас?".  
Дердим: "Менга ўзга нарса чикора,  
Онам кўзларига шифо берсанг, бас".

Беҳзод ДУРДИАЛИЕВ, талаба

### БАҲОРИЙ ЛАҲЗАЛАР

Юрак ўртанмоқда, ёнаётган қон,  
Тоғ бардошим оқар эриб қошинга.  
Сенсиз неча-неча тунларим ўтди.  
Муносиб номзод йўқ лекин жойингга.

У пайтлар гул экан фасли умримиз,  
Ҳаётнинг ҳар они биз учун баҳор.  
Севги-сағир қолган ғамли умримиз,  
Бугун шул баҳорий лаҳзаларга зор.

Аммо ўлим билмас ҳароратли ишқ,  
Тан берса ҳам хатто ўлимга бу тан.  
Сени севмоқ учун, куйламоқ учун,  
Шоир бўлиб туғиламан қайтадан.

### МУҲАББАТ СЎҚМОҚЛАРИ

Ўн саккизга кирган кунларим,  
Тушди бошимга ҳижронли тун.  
Юрагимда ёнар ишким ловуллаб,  
Севгимизнинг зулматига қорилган.

Энди зериктирар мени деворлар,  
Хатто тополмайман излаб исмингни.  
Азизам, оҳ, бераҳмсан, бунчалар,  
Ташлаб кетдинг қуруқ жисмимни.

## МУНДАРИЖА

Умидли дунё <b>Асад Сафар</b> .....	3	Саккизлиқлар.....	20
Помук. <b>Қасида</b> .....	4	Тўртликлар.....	22
Марсия.....	5	<b>Зангори фасл</b> .....	27
Алла айтса аёллар.....	6	„Ниҳол“ ўсиб-улғайиб дарахт.....	28
Машраб нидоси.....	6	бўлғай.....	28
Насриддиннинг шеъри.....	6	Аёл.....	29
Раҳмат сенга, шеърият.....	7	Даракчилар.....	29
Меҳр берсанг тошга.....	7	Бородур.....	30
„Умр охири.....“.....	8	Баҳор қайтади.....	31
Баҳор.....	8	Ота-оналар.....	31
Кулиб-кулиб.....	9	Наврўз.....	32
Бўлмас.....	9	Ешлигим.....	32
Тўрт ўғлим, битта қизим.....	10	Айёр синглим Баҳора.....	32
Сингилжон, онажон, онажон-ларим.....	10	Сени кўрдим.....	33
Сен.....	11	Омон бўлсин онажонлар.....	33
Шоир.....	11	Укам.....	33
„Қаро бўлди.....“.....	12	Кор.....	34
„Самарасиз ўтган.....“.....	12	Мухаббат.....	34
Машрабона.....	12	Она.....	34
Афзал.....	13	Турналар.....	35
Мени ҳамма танийди.....	14	Ениқ истак.....	35
Кечиргил.....	14	Боладигим.....	35
Ҳазилга йўғрилган ҳақиқат.....	15	Она Ўзбекистон.....	36
„Устоз барча.....“.....	16	Соғиндим.....	36
Дил оғриғи.....	16	Баҳор.....	36
„Орзуга етолмайсан.....“.....	16	Мухаббат.....	37
Очил Тоҳир сўзи.....	17	Орзу.....	37
Отамурод Отабоевдан.....	17	Жиёним Мардонага.....	37
Ўзбеклар.....	18	Юрт соғинчи.....	38
Довуд бобо.....	19	Отажоним.....	38
Дўстларим.....	19	Саккизлиқлар.....	39
		Мухаббат сўқмоқлари.....	39

### АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

**Асад САФАР ва бошқалар**  
**УМИДЛИ ДУНЁ,**  
**ЗАНГОРИ ФАСЛ**  
Шеърлар

Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.  
Мусаҳҳиҳ: Мусо Тўлаганов  
Компьютерчи: Алиер Муродов

ИБ № 0769

Теришга 9.04.2004 йилда берилди. Босишга 9.06.2004 йилда руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/16. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. (Шартли босма табоғи 2.7 Шартли бўёк-оттиск 2.9) Нашр босма табоғи 2,6 500 нусхада. 40 -шартнома № **866** -бюджетма. Эркин нархда.

“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбот ва ахборот бошқармасининг вилоят босмаҳонасида чоп этилди.

730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси-22.